



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 19 февраль  
Сотувда эркин нархда  
№ 36 (2864)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Юртпарварга кўйиладиган талаблар:

### ФИДОЙИЛИК

Шу юрт равнақи учун жонимизни беришга тайёр бўлайлик \* Фарзандларимиз, келажак авлод мағрур яшаши учун, она Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун ғайрат-шижоатимизни аямайлик.

### ТЕЖАМКОРЛИК

Ўзбекистон замидаги ҳар бир неъматни кўз қорачигидай авайлайлик \* Сув, газ, электр қуввати ва бошқа ресурслар беҳуда исроф бўлишига йўл қўйиш — кечирилмас гуноҳдир.

### СОБИТҚАДАМЛИК

2001 йил якунларини таҳлил этиш биз танлаган йўл тўри эканлигини яна бир бор кўрсатди \* Эндиги ҳаракатимиз ана шу ислохотларни навбатдаги босқичга кўтариш йўлида дадил қадам бўлмоғи керак.

## СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЙ ШАРҚ ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

Танланган мавзунинг ўрганишдан олдин кичик бир сўров ўтказиб кўрдик. Яқин-атрофимиздаги кишиларга солиққа оид саволлар билан муносабат қандай. «Солиқ нима?» деган саволга кимдир «Ойлик маошимдан босиб қолинанидан мабла» деса, яна бошқа биров «Солиқ... ҳамма билган солиқ-да» деб қўйди. «Охири ойда қанча солиқ тўладингиз?» деган саволга «Мен қабдан билмай, бухгалтериядагилардан сўранг» деб жавоб қилди. «Умуман сиз тўлаган солиқ қаёққа сарф бўлишини биласиз-

ми?» деб сўрасак, «Униси билан нима ишим бор» деган жавобни эшитдик. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да солиқ сўзига шундай таъриф берилган: «Солиқ — маълум тартибда аҳолидан давлат фойдасига тўланган пул, мабла». Хўш, солиқнинг моҳияти нимадан иборат, жамият ривожига унинг ўрни қандай? Шу ва шунга ўхшаш саволларга аниқлик киритиш учун Тошкент давлат молия институтининг солиққа тортиш кафедрасини кўп йиллардан буён бошқариб келатган иқтисод фанлари номзоди Қосим Яҳёев

билан суҳбат қурдик. Домла мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларни алоҳида эътибор билан кузатиб келатган, айни пайтда ўзининг фаол ҳаракати билан юрдошларимиз орасида иқтисодий билимларни тарғиб қилаётган зиёлилардан экан. — Юртбошимизнинг йил якунлари муҳокама қилинган мажлисда сўзлаган нукталарни бизга маълум қилди. Айниқса, «Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши зарур» деганларидан кувонганимдан чапак чалиб юборибман. (Давоми 2-бетда).

### ХУСУСИЙЛАШТИРИШ:

## ТУБ БУРИЛИШЛАР ЙЎЛИДА

Вазирлар Маҳкамасининг Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг 2001 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нуктадан келиб чиқадиган асосий вазифалар, хусусийлаштиришнинг 2002 йилдаги устувор йўналишлари ҳамда иқтисодий тизимнинг таянч бўлини ҳисобланаётган кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш тадбирлари асосий вазифа муҳокама қилинди. Йиғилишнинг раиси Бош вазир ўринбосари, Давлат мулк қўмитасининг раиси Ҳ.Қ.Исмоилов олиб борди.

Йиғилишда, аввало, Юртбошимиз нутқида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида хусусийлаштириш жараёнидаги муаммоларни кўриш ва ҳисусийлаштириш масалаларини ҳал қилишда кескин ўзгаришлар йили бўлиши лозим. Хўш, мажмуа таркибига кирувчи

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида алоҳида ўқтирилгандек, 2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ҳал қилишда кескин ўзгаришлар йили бўлиши лозим. Хўш, мажмуа таркибига кирувчи

қатор вазирликлар, идоралар мутасаддилари ана шу вазифаларнинг туб моҳиятини мамлакат раҳбари белгилаб берган даражада англаб етатиётганми? Хусусийлаштиришнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусийлаштиришнинг кўзда тутилган объектларда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларга, ишбилармон юрдошларимизга, чет эллик инвесторларга қай йўсинда етказилмоқда? Ўзбекистонга ўз сармоясини олиб киришни ният қилаётган чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик талабга жавоб берадими? (Давоми 2-бетда).



## ПЛЁНКАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ердан хўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида пахта ҳосил-

дорлиги пасайиб кетаётгани ҳақида қўйиб гапираркан, жумладан, утган йили ҳар гектар ердан атиги 8,3-18,7

центнердан саноат хомашиси етиштирган Самарқанд вилоятининг Гузалкент, Пойарик, Челек ва Каттақўрғон туманларини ҳам қаттиқ таъкид қилди! Бундан тўғри хўжасиз чиқариб олган Оқдарё тумани деҳқонлари жорий йилда пахтачиликда камиди 30 центнерлик маррани эгаллаша сўз берди.



СУРАТЛАРДА: туман чистлиги плёнка остига экиш ўқув марказининг қатнашчилари; бош муҳандис Собиржон Қодиров амали машғулот ўтказаяпти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

— Тўғриси, биз ҳам эришаётган натижаларимиздан қувона олмаيمиз, — дейди туман машина-трактор паркинсин бош муҳандиси Собиржон Қодиров. — Шунинг учун бу йил 8 миң 900 гектар майдоннинг 42 фоизига чистлиги плёнка остига экишни, яъни усул ёрдамида еригем самардорлигини яна оширишни муължаллаيمиз. Шу мақсадда мавжуд молажаларни алақачан соғлаб қўямиз. Айни кунларда механизаторлар, нурратчилар, кўйишчи, экиш мавсумига охшдор барча кишилар қайта ўқитилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси муносабати эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль кунини дам олиш кунини деб белгилаш ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
- Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 15 февраль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари, "Президент кубоги" турнири АТРнинг 2001 йилги "Олий сифат учун" мукофотида сазовор бўлгани муносабати билан АТР номидан табриклайман. Бу мукофот мазкур турнир доим олий даражада ўтатишнинг тасдиғи ва ташкилотчилар сай-ҳаракатларига берилган юксак баҳодир. Ўзбекистонда профессионал теннисни кўлаб-қувватлаётганингизни юксак даражада қадрлаймиз. Зеро, Сизнинг шу гамхўрлигингиз туфайли "Президент кубоги" мусобақалари АТР доирасидаги беллашувларнинг муҳим бир бўлигига айланди. "Президент кубоги" бутун дунёда АТР мусобақалари учун ажойиб андоза бўлиб хизмат қилаверади. Бундан Марат Сафин ўзининг чемпионлик унвонини мардонавор сақлаб қолган ўтган йилги беллашувлар ҳам истисно эмас. 2000 йилда ўтган "Президент кубоги" мусобақаларидан ажойиб таассуротлар билан қайтган эдим, энди келгусида ана юртингизда меҳмон бўладиган дамларини интизорлик билан кутмоқдаман. Эзгу тилаклар билан,  
Марк Д. МАЙЛС,  
Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР)  
Бош ижрочи директори

## ЛИТВА БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

18 февраль кунини Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускас расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида А.Бразаускас раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Бош вазири У.Султонов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон билан Литва ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Икки давлат алоқалари торабора ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўпчилиги таъкидланди. Ўзбекистон — Литва муносабатлари мамлакатлар мустақилликка эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Ўтган йил мобайнида турли даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилди, бир қанча ҳужжатлар имзоланди ва шу тарзда ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Айниқса, иқтисодий соҳада яқин алоқалар ўрнатилгани эътиборга молик. Ҳозир юртимизда ушбу давлат ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмадан ортиқ кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Учрашув якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, икки томонлама солиққа йўл қўймаслик ва даромад ҳамда сармоядан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдинки олиш тўғрисида конвенция имзоланди. Ҳужжатларни У.Султонов ва А.Бразаускас имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Литва ички ишлар вазири Ю.Бернатонис икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо çekди.

## Мамлакатимизда

● Қашқадарё. Чироқчи туманининг «Айритом» дон маҳсулотларини қабул қилиш оқиқ ҳиссодорлик жамияти корхонаси бир йилда 50 миң тоннага маҳсулотни қабул қилиш имкониятига эга.  
Ушбу жамоа шу кунларда россиялик ишбилармонлар билан кўшма корхона тузиш устида иш олиб бормоқда. Булажак кўшма корхона негизда макорон ва нон ишлаб чиқарувчи цехлар бўлади. Бундан кўндалан мақсад битта, у ҳам бўлса, Айритом қишлоғини обод қилиш, истеъмол товарларини кўпайтириш, янги иш ўринларини очиш.  
● Фарғона шаҳридаги Ўрмончилар маҳалла фуқаролар йиғинида яхши аъёна шаклланган маҳалла ишларини рағбатлантириш мақсадида бу ерда ҳар йили маҳалла стипендияси таъсис этилади. Бу йил ҳам маҳалла ўраминидаги 6 та мактабнинг 20 нафар оғлоқ ўқувчилари стипендиаликка номзод сифатида танлаб олинди. Улардан 5 нафари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, маҳалла стипендиалари бўлдилар. Ўқувчиларга ҳомилячи Фарғона сув қўрилиш бошқармаси ўз зиммасига олган.  
● Тошкент. Миллий матбуот марказида Республика Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси ташаббуси билан «Хўсусий уй-жой ширкатлари: муаммо ва ечимлар» мавзуда анжуман ўтказилди. Анжуманда соҳа фаолиятида учраётган талаб муаммолари аниқланиб, уларнинг ечимига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.  
● Сурхондарё. Воҳода вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан экин экиладиган майдонларда сув таъминоти ҳақида ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қумқўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Оқдарё канални янги навбатининг бунёд этилаётгани ана шундай мақсадга қаратилган.  
Каналнинг ишга туширилиши Наврўз уммаҳалқ байрами кунига муължалланган. У агар ишга тушса, Шеробод, Бандихон ва Денов туманларига қарашли минглаб тектар экин майдонларида сув таъминоти яхшиланиб, муаммолар барҳам толади.  
«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс», «ЎЗА».

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган доимий фойлият юртувчи Соғлом она, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оила тиббий модонияти даражасини ошириш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.  
Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азизов бошқарили.  
Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган жамиятда тиббий маданиятни ривожлантириш, оналар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом болаларни тарбиялаш каби асосий таъминотлардан келиб чиққан ҳолда кундалик ҳаётимизда оддий, бироқ жуда муҳим "Соғлом она — соғлом фарзанд" вазифасининг ижросини таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқишга оид тақдирлар муҳокама этилди.  
Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди:  
— мунозам равишда радио, телевидение, матбуот орқали оналар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар туғилиши ва тарбиясига қаратилган тарбиявий ва тарбият тадбирлари тизимини яратиш ва амалга ошириш, шунингдек, ёш оналар тиббий маданиятини ошириш масалаларини муҳимлигини яққол ва тасвирчан акс эттирувчи илҳам, кўргазмали маҳсул бўлган чоп этиш;  
— республика ҳудудларида қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ташкил этиш дастурини амалга оширишни жалаллаштириш, оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган тиббиёт муассасаларини керакли асбоб-ускуна, тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш ва доридармонлар билан таъминлаш;  
— аҳолини керакли тиббий препаратлар ва тиббий ёрдам билан таъминлашни кучайтириш;  
— тегишли кадрларни уларнинг малякасини ошириш, республиканинг етакчи клиникалари ва хорижга стажировкага йўллаш орқали тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини ташкиллаштириш;  
(Давоми 2-бетда).

## Чет элларда

● Греция ҳарбийларининг илк гуруҳи тинчликпарвар контингентда қатнашиш учун Афғонистонга етиб келди. 49 нафар ҳарбийдан иборат бўлган гуруҳ Кобулдан 9 километр узоқликда жойлашди.  
● Тинчликпарвар қолиция қулачи кеча Афғонистоннинг шарқий ҳудудларига ҳаводан зарбалар берди. АҚШ марказий қўмондонлиги ана шундай хабар тарқатган. Маълумотларга қараганда, бундай хабар зарбалари бериш ҳозир ҳам давом этмоқда.  
● Филиппиннинг Басилан оролига Америка ҳарбийлари кела бошлади. Кузатувчиларнинг фикрича, кейинги кунларда «Абу-Сайф» экстремистик гуруҳи жангариларининг ҳаракатлари анча фаоллашган. Америка ҳарбийларининг Маниладаги вакили Роберт Фиттснинг айтишича америкаликлар жангариларга қарши кураш амалиётларида бевосита қатнашмайдилар, балки Филиппин армиясининг ҳарбий машғулотларида иштирок этишди.  
● АҚШ президенти Жорж Буш ушбу ҳафтанинг охирида Пекинга расмий ташриф буюради. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, террорчиликка қарши курашиш, Тайвань муаммоси ва АҚШнинг ракеталарга қарши мудофаа тизими Буш ва Цзянь Цземинь музокараларининг асосий мавзулари бўлиши кутилмоқда.  
● Аргентина ҳукумати Халқаро валюта фондидан катта миқдорда сармоя олишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда молия вазирининг ўринбосари Хорхе Тодеска маълум қилган. Чунки ўтган ҳафта бошида Аргентина молия вазири Хорхе Ремес Вашингтонда ХВФ вакиллари билан музокара олиб борган. Лекин олдинки муължалланган сармоянинг аниқ миқдори муҳокама қилинмаган. Сўнгги хабарларга кўра, ХВФ вакиллари шу ҳафтада Аргентинага ташриф буюришади.  
● British Airways (Британия Ҳаво йўллари) компанияси 5800 ишчи-ходимини ишдан озод қилишга ва бизнес тизимини қайтадан кўриб чиқишга қарор қилган. Эсла-тиб ўтавиш: ушбу компания ўтган йили ҳам 7200 нафарга яқин ходимини ишдан бўшатган эди. Бундан қўзғалган асосий мақсад эса топилган маблағни имкони борича тежашидир.  
● Сахалин ва Курилда грипп эпидемияси кучайганлиги сабабли кечадан бошлаб мактабларда ўқув машғулотлари тўхтатилган. Жанубий Сахалиннинг мэрияси тарқатган хабарга кўра, грипп кўпроқ мактаб ёшдаги болаларга таъсир кўрсатмоқда.  
«Интернет».







# САҲНА БУЛБУЛИ

1963 йил... Табиат қиш домидан узилиб, баҳорга юз бурган чоғ... Ташкент навбахор сепига бурканди, нафосат таратмоқда... Бодом даракти чаман гуллаган, олам яшилди либосга бурканмоқда; ирмоқлар тўлиб-тошиб оқмоқда, кушларнинг сайраши дилларга ором бағишлайди... Шу пайт соҳнада куй нозлиб, хонандалнинг қўшиғига пайванда бўлиб кетади... Назира Аҳмедова куйламоқда... Унинг соҳир овозига, нозли қочиримларига булбул сайраши ҳамонанг... Бундай ҳолини, назокатли, нозик ҳис-туйғули дамларнинг лавиф шевалярини тавсиф тилини кудрати етмай қолади.

Уша чоғларда Назихур опера устаси Назира Аҳмедова таваллудининг 50 йиллигини театр, кўшиқ мухлислари, жамоатчилик шодона эътибори билан қутқиб келди... Афсус, бу Назирахоним ҳаётининг сўнгги баҳори бўлиб, кўп ўтмай у оғир ботлиқ туйғули дорилбақога юз

тутди... Мусиқий-ижрочилик бўстонида ўзига хосифор соҳиб келаётган бир ажойиб гул бемаҳал сўлиди...

Улкан ва қайтарилмас иқтидор эгаси ҳозир ораминда бўлганида, 90 ёшни чамалаб қолган бўлади.

Мана, яна навбахор эшик қоқиб турибди. Назирахоним яшаган унинг ҳолисидаги бодом дарактининг куртаклари ҳадемай чаманга айланади. Бу хонандонга қайтадан «Баҳор» дея аталган қўшиқнинг ёдуси соҳнада... Бироқ беназир хонандалнинг иссиқ нафаси етишмаётганиги барбир сезилиб турди... Шунда унинг яшашга чанқоқ сузлари хотирамида жонланади:

— Биласизми, умр Яратган томонидан бир марта берилди, биз унинг қадрига дурустроқ етолмаймиз, ҳаётнинг иқир-чикирлари кўп вақтни олиб кўяди... Саҳнада анчамунча иш қилиб кўйдик-ку, аммо янада кўпроқ ижод қилсак, кўпсан-кўп роллар ўйнасак, яна талайгина қўшиқлар айтсак, одамларга завқ-шавқ улалсак, келгуси авлодларга аса дурдоналарини мерос қилиб қолдирсак, дейман... Дейдиларки, навбахорда куйласанг бодом куртаклари ҳам ёзилармиш, инсон овозининг таъсирида гунчалари ҳам очилиб, гуллари атрофта анвойи ҳидлар таратармиш... Мен бодом гулини севман, қўшиқни жуда севман,

этиш бораида Талибжон Соликов, Мутал Бурхонов, Мухтор Ашрафий, Тухтасин Жалилов каби бастакорлар билан самарали ижодий ҳамкорлик қилди.

Назира Анджион шахрида таваллуд топди, отаси Аҳмад ака эрта қаю қўлиб кетди. Онаси Ҳайитхон жуда ҳам завоқил-шавқли, санъатни жондан севар, дутор чертар, ялла, лапарларни жўшиб айтади, театр томошаларини нийоятда хуш кўради. Назиранинг саҳна санъатига меҳр боғлашда Муҳиддин Қорӣ Ёқубов ва Тамирахонимнинг таъсири катта бўлган.

20-йиллар ўртасида Ташкентга келган Назира интернетда ўқиди, бадиий хаваскорлик тўғрисида қатнашди, бир пардали саҳна асарларида роллар ўйнайди, шу жумладан «Панзана қизалоқ» комедиясида бош ролни ҳам. Мана шу ҳава, меҳр уни 1928 йилда Москвадаги ўзбек драматик студиясига олиб кетди. Ўзбекистонга қайтган, у «Трам» деб аталган ёшлар театрида актёр бўлиб ишлади.

Кейинчалик у Ўзбекистон радиосида фаолият кўрсатди. Унинг хониндаги ўнлаб қўшиқ, ария, романслар магнит тасмаларига ёзиб олиниб, миллий ижрочилик санъати хазинасини дурдона асарлар билан бойитди. 1935 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон давлат му-

### Эҳтиром

қуиламасам туролмайман... Ҳа, у қўшиқсиз яшолмасди, умрининг сўнгги дамларида Лайлининг «Чоргоҳ» ариясини хиргойи қилиб турган чоғда юраги уришдан тўхтагани... У Муқимий газали билан «Навбахор, очилди гуллар...» дея куйлай бошласа борми, диллар завққа тўларди, вужудни ором забт этарди, «Булбул» қўшиғини айтганда эса, гуд шохига булбул қўниб, хушхон бу куйловчи билан баҳс этарди, боғ булбули билан саҳна булбули беллашгандай бўларди... У қўшиқ яратши ва ижро

сиқали театрининг солисти бўлиб хизмат кўрсатди. Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», Узейр Ҳожибековнинг «Аршин молдон», Фулом Зафарийнинг «Ҳалима», Яшин ва М. Муҳамедовларнинг «Ичкарида (Гулсара)» мусиқали драмаларида етакчи роллар яратди.

У 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбек давлат академик опера ва балет театрида ишлади. Бир қатор операларда бадиий етуқ, маънавий ва гоғий баркамол сиймолар яратди.

Хонандалнинг маданиятимиз раънақи, театр ва қўшиқчилик санъатининг камолидаги хизматлари «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланган.

Истиқлол машҳур ижодкорларимиз қадрини эътибор, хотирасини абадийлаштиришдек савобий ишларни амалга ошириш учун яхши омилар яратиб бермоқда. Назира Аҳмедованинг қўшиқлари ҳам эндиликда радио ва телевидение орқали тез-тез таралиб турибди. Ўзбекистон радиоси мусиқий эшиттиришлар редакцияси унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида радиофильм тайёрламоқда. Республика ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан «Булбул» фильми яратилди. Ҳаёти, ижрочилик санъати ҳақида китоб ёзилди, компакт-диск, аудиокассета яратилди ишлари хозирда. Ўнлаб қўшиқлари радиоэвулардан, грампластинкалардан, видео тасмалардан тикланиб таъмирланмоқда.

Ижро этган роллари, фотосуратлари, афиша, «программа»лар каталог-курсаткичлари тайёрланди. Ҳамкасбарнинг хотиралари ёзиб олинди. Зурриятлари ва атоқли санъат намояналарининг эсдаликлари видеотасмаларда жонланди.


Ушбу ажойиб санъаткорнинг хотираси абадийлаштирилаётганидан хурсанмиш, албатта. Шу билан бирга айрим мулоҳазаларимиз ҳам бор. Бизнингча, унинг номида хонанда-ижрочилик республика танлов-кўриги ташкил этилса, бирон-бир малаининг дароҳи, мусиқа мактаби, кўчага Назира Аҳмедова номи берилса айна муллоа бўларди.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ, театрушнос олим.

### Навоий кунда керак

## «ЖОНДИН СЕНИ КҮП СЕВАРМЕН, ЭЙ УМРИ АЗИЗ...»

Сўз мулкининг султони Ҳазрат Алишер Навоий ижоди — улкан ва ноёб хазина. Бундан баҳраманд бўлиш, ўқиб-ўрганиш, кенг халқ оmmasи, айниқса ёшлар орасида тарғиб-ташвиқ этиш айна мудоаодир. Навоийни қанча кўп билсак, кўп ўқисак, шунча яхши. Чунки унинг ҳар бир мисраси, жумласи, ғазаллари, ҳикматли сўзлари, достонлари ва улардаги қахрамонлар бизни фақат ёруғликка, нурга ва эзуғликка чорлайди. Шоир куйлаган дунёвийлик, юксак инсонпарварлик, ва-танпарварлик, меҳнатсеварлик, халқчиллик ва меҳр-муҳаббат юрар йўлимизни, борар манзилимишни ёритиб туради. Унинг асарларида энг улуг зот — Инсон бор. Демак, биз бормиз. Алқисса, Ҳазрат бобомиз сизу бизни Ўз асарларида бир умр куйлаб ўтган экан, биз ҳам ўз навабатида уни улуглашимиз жоиз-ку! Улуглаш эса асарларини



ўқиш ва ўрганиш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази томонидан 2002 йили нашр этилган «Навоий гулшанига саёҳат» (тест саволлари тўплами) китоби Навоий билан бизнинг ўртамиздаги масофани бир қадар яқинлаштиришга хизмат қилади. Саҳифаларни арақлар экансиз, ўзингизни сарҳил мевалари фарқ пишган богда юргандек ҳис этасиз. Истеъмом қиларасиз, сира тўймайсиз.

Меваларнинг ранги, таъми, шакл-шамойилидан ҳайратга тушарасиз. Фикрингиз, ақлингиз, маънавиятингиз тўлиғица бораверарди.

Тест саволлари Навоий яшаб ижод этган давр, шоир пойқадами теккан шаҳарлар, унга замондош машҳур адабиётшунос ва тарихчилар, ҳаттолик ва миниатюра санъатининг етуқ намоянадалари, шоир достонлари ва уларнинг бош қахрамонлари билан боғлиқ гаройиб маълумотлардан тузилган. Ҳикматларидан намуналар келтирилган. Саволлар қизиқарли эканлиги билан нафақат мактаб ўқувчиси ёки абитуриент, балки турли ёш ва турли касбадаги кишилар эътиборини ҳам тортади. Бу эса Навоийни ўрганиш учун ташланган яна бир қадамдир. Бу қадам бизни кунма-кун Навоийга яқинлаштираверади...

Г.ХУСАНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

SALT LAKE 2002

ОЛИМПИАДАЛАРИМИЗ МУСОБАҚАГА КИРИШЯПТИ

АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилган Олимпиада олинларида олти нафар юртдошимиз спортнинг икки тури — фигурали учш ва тоғ чанисини мусобақаларида мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқда.

Айни пайтда спортчиларимиз фигурали учш бўйича жуфтлик ҳамда эркеклар ўртасида яққил беллашуварларида ўз кучини синиб кўрди. Биринчи бўлиб мусобақага Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги киришди. Улар дастлаб қисқа дастурда йигирмата жуфтлик орасида ўн саккизинчи ўринни эгаллади. Эркин дастурда ҳам шу натижа қайд этилди.

Фигурали учш бўйича эркеклар ўртасида яққил мусобақаларида Роман Скряков кўрсатган натижа ҳам чакки бўлмади. Ҳаттоки яқин фигурали учш устаси қатнашган қисқа дастур беллашуварларида Роман 20-ўринни, эркин дастурда эса 19-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Минлий Олимпиада қўмитасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, тоғ чанисини бўйича ўзбекистонлик спортчилар — Элмира ва Комил Урумбоев ҳам мусобақаларга киришмаган. Энг ишонган тажрибали спортчилик Татьяна Малинина ҳам фигурали учш баҳсларини энди бошлайди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ (ЎзА).

## ҲАММАСИ БОЛАЛАРИМИЗ УЧУН

Ўзбекистон билан Қирғизистонни иккига ажратиб тургувчи қишлоқда, бир бино бор эди. Оҳори кетиб, ҳиллабро қолганди. Туман ҳокими Ҳўтамжон Охунов «туя гўшти еган» инорат билан танишгач, бели бақувват кишилар бошини бир ерга қовуштирди. Мақабат биносини «ёшартириш», уни тумандаги энг кўркам, ўқув қўлланмалари, анжумларга бой илим даргоҳига айлантириш таклифини ўртага ташлади.

— Бу ерда қимлар ўқийди-ю қандай билим олади? — савол берди ҳоким. Сўнг жавобни ўзи мухтар қўлди. — Сизу бизнинг болаларимиз. Еру қўкка ишонмай улайтираётган ўғил-қизларимизни шу аҳволга ташлаб қўямизми! Бизлар аслида қимлар учун яшаймиш? Келинлар, бир пайтлар ёшлигимиз ўтган, бугун фарзандларимиз ўқитган ушбу даргоҳни қўлашиб таъмирлаб берайлик. Бор-йўғи йигирма иккита хонаси бор экан. Йигирма икки киши бўлиб олсин. Битта хонани шахсан ўз ҳисобимдан қўлдан чиқараман.

Ҳокимнинг бу дэватидан сўнг мактаб ҳокисини савоб истаган одамларга тўлди. Бир қум-шағал келтирди. Бошқаси оҳақ, бўёқ олиб кетди. Усталар ҳам қишлоқнинг узидан чиқди. Қўлдан қўён қочиб қутилди.

### Ҳиммат

— Ҳимматингизга балли, — миннатдорчилик билдириб мактабдагилар. — Хоналарни таъмирлашда асосан сиз бош-қош бўлдингиз устига-устак мебелга ҳам ёнчиб қўлдик.

— Ҳаммаси болаларимиз учун, — деди Исоқжон ака. — Топган-тутганимизни уларнинг яхши билими олиши ва яхши яшаш учун сарфлаш улуг ишдир. Илми бола отана, эл-юрт ва Ватан қадрини теран англайди. Улар элнинг оғирини енгил қилишга қодир бўлалар.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НУРОБОДА ГИЛАМЛАРИ

Бугунги кунда нафақат Самарқанд вилоятида, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам Нуробод гиламларини яхши билишди. Айниқса, Нуробод гиламчилик мактабидан яратилган «Москва», «Қурок», «Атлас», «Шойи», «Опти-ой» деб номланувчи гиламлар маълум ва машҳурдир.

— Биз моголаримиз ва оналаримиз томонидан шакллантирилган ағналаримизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак, — дейди мазкур мактабнинг вақиласи, ҳозирда талибкорлик билан шуғулланувчи Фароғат Раҳматова. — Шу боис «Саҳоба ота» ширкат ҳужалиғида гилам тўкиш цехини очдик. Бу ерда айни куларда 40 нафар хотин-қиз қўй жунига ишлов бериш, ундан илми йигирини, тайёр илми турли ранг-ларга бўлиб ва пировақдада кишини лол қолдирадиган гиламлар тўкиш сирларини кўп билан ўрганоқдлар.


Суратда: гиламчи Фароғат Раҳматова, Фарид Махкамова ва Чаманой Абдуллаева иш билан балли.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

### МОТЮРИДИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

- Чин эhtiқод безавол ганждир.
  - Куролнинг илмдан яса. Ибодатдан шодлик иста.
  - Ҳўзгандан қочиб, ҳаққа етгин.
  - Нодонни тирик санама.
  - Дано кўринган нодондан ҳазар қил.
  - Рост гапиргу ўзгаларнинг айбини кавлама.
  - Олинмайдиган нарсани сотма.
  - Бойлиқни иқбол бил, уни харж эмаслигини эса бадбахлик бил.
  - Хар қимнинг инонини ел берма, аммо ҳаммага нон одир.
  - Ҳақ ҳикматини илмингдан афзал бил.
  - Жонни омонат бил, Умрини иноят бил.
  - Мартабонга иззатни илмдан изла.
  - Сондан кўрқадиган сен ҳам кўр.
  - Жоҳил зоҳидга инонма.
  - Ношиқаста одам билан сафарга чиқма.
  - Одамларнинг олдидан нима десанг, орқасидан ҳам ушани гапир.
  - Ота хатоси учун танбех берма.
  - Ҳамгусор бўладигангина дардингни айт.
  - Дано сўхбати хар икки жаҳон учун фойдалидир.
  - Нодон беморни даволама.
  - Ҳўз инонини ўзгаларга оширадиган бўлма, аммо ўзгалар юкини кўтаргувчи бўл.
  - Яхшиларнинг тирингини ҳам, ўлигини ҳам эзират қил.
- Х.ХОМИДИЙ тайёрлаган.

### 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



## ДИЙДОР

Янгиқўрғонлик Бувинисо момо Матмусаева ҳадемай 108-баҳорни қарши олади. Тўрт нафар фарзанди бор: 35 нафар набира, 41 нафар чевара, 8 нафар эваранинг момоси.

Оила жам бўлса, ҳовли тўлиб-тошиб кетади. Ҳамқишлоқлар, ёш-яланлар эса момонинг дуосини олишга интилишади. Момолар дуоғуй бўлишади. Момоларнинг дуолари ижобат бўлармиш.

— Бизни эслаганларни, бизни қадрлаганларни Яратганнинг ўзи ярақасин. Юрда тинчлик-омонлик бўлсин, Юртбошимиз омон-эсон юрсинлар. Сизлар ҳам элнинг хизматини қилишдан чарчаманглар. — Бувинисо момо суратини олиб бўлганимиздан сўнг бизларни ҳам ана шундай, деб дуо қилдилар. Биз ҳовлиларидан чиқмасимизданок чевараси Улугбек билан эвараси Дилшодхон Бувинисо момони кўргани келишди. Ва биз ана шу лаҳзани муҳраб олдик.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

САВОЛ БИЗДАН...

Венеция нечта оролда жойлашган?

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева.

136-35-60

СТОПТУССИН БИЗ УЧУН ЙЎТАЛ ҚЎРҚИНЧЛИ ЭМАС

■ СТОПТУССИН ТОМЧИЛАБ ИЧИЛАДИГАН

■ СТОПТУССИН ТАБЛЕТКАЛАРДА

■ СТОПТУССИН -ФИТО

Рўйхатдан ўтган Б-8-242 №2980 Б-250-95 №30001 Б-250-95 №29901

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтини жамоаси қадрлар билими бошлиғи В. Воҳидовага ва илмий ходим М.Омоновага пайлари буюрмоқчи.

Ҳолиқ ВОҲИДОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Давлат табиат музейи жамоаси мўъаб директори Эргаш Исмоиловага онаси МУҲАММАД аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Узлтехсаноат» уюшмаси бошқаруви уюшмаси раисининг собиқ муовини Т. Тангирбековга пайлари буюрмоқчи.

БОБОХОН отанинڭ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Халқаро «Наврў» хайрини жамғармаси жамоаси жағарма Раёсатининг собиқ аъзоси Уткир Фозилович ФОЗИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи хўжалиғи Урмон хўжалиғи бош бошқармаси жамоаси Кўкчи Урмон хўжалиғи раҳбари Мансурхўжа Хўжаева турмуш урғоти.

Мария ИБРОҲИМЖОНОВАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавий ва маърифат — 136-35-60;

Газетачилар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соҳилқи сақали, таълим ва туризм — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибиат — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — М. НОСИРОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАНРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Ташкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зияд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материал.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.50

1 2 3 4 5 6